

Қуръони Карим дарслари (39-дарс). Сабаби нузулнинг ифода турлари



17:00 / 26.06.2019 6407

Сабаби нузулни ифода қилиш бўйича ишлатиладиган таъбирлар ҳам турлича бўлади.

Баъзида «Фалон оятнинг сабаби нузули бундай», дея очиқ айтилади. Унда сабаб аниқ бўлади ва бошқа гапга ўрин қолмайди.

Баъзида «сабаб» сўзи очиқ айтилмайди. Лекин оятнинг нозил бўлиши ҳақидаги ҳодисанинг сўнгида «фа» таъқиб ҳарфи келтирилади. Мисол учун, «Ундай бўлди. Бундай бўлди. Бас, фалон оят нозил бўлди», дейилади. Бу ҳам сабаби нузулни ифода этадиган таъбир ҳисобланади.

Гоҳида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга савол берилади. Сўнгра у зотга ваҳий қилинади. У зот саволга ваҳийда нозил бўлган нарса ила

жавоб берадилар. Бу ердаги таъбирда «сабаби нузул» лафзи ҳам, «фа» таъқиб ҳарфи ҳам бўлмайди. Аммо сабаб гапнинг боришидан билиб олинади. Бунинг ҳукми ҳам сабаби нузулни баён қилган ҳукмидадир.

Гоҳида «сабаб» сўзи ҳам, «фа» таъқиб ҳарфи ҳам, саволга жавоб ҳам келмай, «Фалон оят фалон нарса ҳақида нозил бўлган», дейилади. Бу иборани сабаби нузул ҳақидаги матн деб бўлмайди. У сабаби нузулдан бошқа маънони ҳам ифода этиши эҳтимоли бор. Қай бир эҳтимол кучли эканини бошқа белги ва аломатлардан билиб олинади.

Шунга биноан, бир мавзуда икки хил ибора келса, улардан бири сабаби нузулни аниқ ифода этса, иккинчиси аниқ ифода этмаса, биринчиси сабаби нузул дея қабул қилинади. Иккинчиси эса оят далолат қилган нарсанинг баёни дейилади.

Келинг айтилган фикрларга мисол келтирайлик.

Ибн Мункадирдан ривоят қилинади:

«Жобир розияллоҳу анҳунинг: «Яҳудийлар: «Агар эркак хотинига орқа томонидан олдиға яқинлик қилса, бола ғилай бўлади», дер эдилар. Шунда «Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг» ояти нозил бўлди», деганини эшитдим».

Термизий ва Бухорий ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аёлларингиз экинзорларингиздир» аёлларнинг орқаларидан келиш ҳақида нозил қилинган».

Бухорий ривоят қилган.

Бу ерда Жобир розияллоҳу анҳунинг ривояти сабаби нузул иборасидир. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ривояти эса мазкур масала бўйича шариат ҳукмини баён қилишдан иборат бўлади.

Тафсирчиларнинг «Бу оят фалон нарса ҳақида нозил бўлган, мана буниси фалон нарса ҳақида нозил бўлган» каби гаплари ва ихтилофлари сабаби нузул бўла олмайди.

Аммо сабаби нузул ҳақидаги матн экани аниқ бўлган иборалар орасида ихтилоф бўлса, алоҳида ўрганиб, кейин хулоса қилинади. Мазкур

ихтилофлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Сабаб бир нечта, нозил бўлган нарса битта.
2. Сабаб битта, нозил бўлган нарса бир нечта.

сабаб бир нечта, нозил

бўлган нарса битта бўлиши

Қуръони Каримда нозил бўлган бир оят ҳақида икки хил ривоят келган бўлиб, иккиси ҳам икки хил сабабни очиқ баён қилган бўлса, улар алоҳида ўрганилади. Шунда қуйидаги ҳолатларнинг эҳтимоли бўлади:

1. Улардан бири саҳиҳ, иккинчиси саҳиҳ эмас.
2. Иккиси ҳам саҳиҳ, аммо улардан бирининг иккинчисидан кучли қиладиган омили бор.
3. Иккиси ҳам саҳиҳ, аммо улардан бирининг иккинчисидан кучли қиладиган омили йўқ. Аммо иккисини ҳам қабул қилиш имкони бор.
4. Иккиси ҳам саҳиҳ, аммо улардан бирининг иккинчисидан кучли қиладиган омили ҳам, иккисини қабул қилиш имкони ҳам йўқ.

Ушбу тўрт ҳолатдан ҳар бирининг ўзига хос ҳукми мавжуд.

Биринчи ҳолат:

Ривоятлардан бири саҳиҳ, иккинчиси саҳиҳ эмас бўлган ҳолатда – саҳиҳи олинади, саҳиҳ эмаси рад қилинади.

Жундуб ибн Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб, икки-уч кеча турмадилар. Шунда у зотнинг ҳузурларига бир аёл келиб: «Эй Муҳаммад, мен шайтонинг сени тарк қилган бўлса керак, деб умид қиламан. Икки-уч кечадан буён у сенга яқин келмаётганини кўрмоқдаман», деди. Шунда Аллоҳ таоло «Чошгоҳ билан қасам. Сукунатга чўмган тун билан қасам. Роббинг сени тарк қилгани йўқ, ғазаб ҳам қилгани йўқ» оятларини нозил қилди».

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилганлар.

Табароний ва Ибн Абу Шайба Ҳафс ибн Майсардан, у онасидан, онаси ҳам ўз онасидан қилган ривоятда мазкур оятнинг нозил бўлишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ётоқлари тагида ўлиб қолган кучукнинг чиқариб олиниши сабаб бўлди, деган маънодаги ривоятни келтирганлар.

Ушбу икки ривоятдан аввалгиси – Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг ривояти саҳиҳ ривоят бўлгани учун қабул қилинади. Иккинчи ривоятнинг иснодида заифлик борлиги учун у қабул қилинмайди. Аслида ётоқ остидаги кучук сабабли ваҳийнинг кечиккани машҳур. Аммо ўша ҳодиса биз ўрганаётган оятнинг сабаби нузули бўлиши ғариб, яъни кучсиз фикрдир.

Иккинчи ҳолат:

Иккиси ҳам саҳиҳ, аммо улардан бирини иккинчисидан кучли этувчи омили бор ҳолатда кучли қиладиган омили бор ривоят олинади, бошқаси тарк қилинади.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадина хурмозорларидан бирида борар эдим. У киши бир шохга таяниб олган эдилар. Шу пайт бир гуруҳ яҳудийларга дуч келдилар. Улар бир-бирларига: «Ундан савол сўрасангиз-чи?» дейишди. «Ундан сўраманглар. У сизга ёқтирмаган нарсангизни эшиттиради», дейишди бошқалари. Охири: «Эй Абулқосим, бизга руҳ ҳақида сўзлаб бер», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир муддат жим туриб қолдилар. Бошларини кўтардилар. Мен у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келаётганини дарҳол сездим. Ваҳий нузули тўхтаганидан сўнг, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. Сен: «Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Қурайшликлар яҳудийларга: «Бизга бир нарса ўргатинг, манави одамдан сўрайлик», дейишди. Улар: «Руҳ ҳақида сўранглар», дедилар. Улар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан руҳ ҳақида сўрашди. Шунда «Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. Сен: «Руҳ

Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт» ояти нозил бўлди».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу икки ривоятдан биринчисида сўраш ва оятнинг нозил бўлиши Мадинада бўлган. Иккинчисида эса Маккада бўлган. Биринчи ривоят иккинчисидан кўра икки жиҳатдан салмоқлидир.

Биринчи жиҳат – биринчи ривоятни имом Бухорий ривоят қилган. Бошқасини эса имом Термизий ривоят қилган. Имом Бухорийнинг ривояти кучли эканига ҳамма иттифоқ қилган.

Иккинчи жиҳат – биринчи ривоятнинг соҳиби Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳодисанинг аввалидан охиригача ўзлари, шахсан иштирок этганлар. Иккинчи ривоятнинг соҳиби Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу эса ҳодисада иштирок этмаганлар.

Шу нуқтаи назардан, баъзи уламолар оят Мадинада нозил бўлган, деган гап кучлидир, дейишади. Баъзилар эса ҳар икки ривоятни олиб, юқорида айтилганидек, оят икки марта – ҳам Маккада, ҳам Мадинада нозил бўлган, дейишади.

Учинчи ҳолат:

Икки ривоят ҳам саҳиҳ, улардан бирининг иккинчисидан кучли қиладиган омили ҳам йўқ. Аммо иккисини ҳам қабул қилиш имкони бор ҳолатда иккиси ҳам қабул қилинади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Ҳилол ибн Умайя аёлини Шарик ибн Саҳмо билан зинода айблади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳужжат келтир, бўлмаса орқангга ҳадд урилади», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, қачон бирортамиз хотини устида бир кишини кўрса, ҳужжат излаб кетадими?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳужжат келтир, бўлмаса орқангга ҳадд урилади», деб қайтаравердилар. Ҳилол:

«Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен албатта, ростгўйман. Албатта, Аллоҳ менинг орқамни ҳаддан озод қиладиган нарсани нозил қилади», деди.

Шунда Жаброил «Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб...»дан «...агар у (эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи(аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишдир)»гача оятини олиб тушди».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ (ибн Умар) розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Жума кечаси биз масжидда эдик. Тўсатдан ансорийлардан бир киши келиб: «Киши ўз аёли билан эркакни ушлаб олса, бу ҳақда гапирса, дарра урасизлар ёки ўлдирса, ўлдирасизлар, жим қолса, аламзадалиқда жим қолади. Аллоҳга қасамки, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан албатта сўрайман», деди. Эртаси бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, киши ўз аёли билан бир одамни ушлаб олса, бу ҳақда гапирса, дарра урасизлар ёки ўлдирса, ўлдирасизлар, жим қолса, аламзадалиқда жим қолади», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Ўзинг кушойиш бер», деб дуо қила бошладилар. Шунда «лиъон» ояти нозил бўлди: «Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса...».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятдаги «лиъон» – «лаънатлашиш» оятидан мурод аввалги ривоятдаги «Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб...» деб бошланган оятдир. Мазкур ривоятда зикри келган ансорий саҳобийнинг исми Уваймир Ажлоний бўлган. Бу икки ривоятдаги ҳодисалар бир вақтда содир бўлган, шунинг учун уларнинг иккиси бир оятнинг нозил бўлишига сабаб бўлган.

Тўртинчи ҳолат:

Иккиси ҳам саҳиҳ, аммо улардан бирининг иккинчисидан кучли этувчи омили ҳам, иккисини қабул қилиш имкони ҳам йўқ ҳолатда оятнинг нозил бўлиши такрорланган, дейилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳамза шаҳид бўлиб, қиймалаб ташланганида Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг (жасади) устида туриб: «Албатта, сенинг ўрнингга

улардан етмиштасини қиймалайман!» дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўша тик турган ҳолларида Жаброил Наҳл сурасининг охирини – «Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилувчилар учун хайрлидир»дан сура охиригача олиб тушди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтадилар ва ирода қилганларидан қайтдилар».

Ҳоким, Баззор ривоят қилишган. Байҳақий «Далоил»да ривоят қилган.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Уҳуд куни ансорлардан олтмиш тўрт киши, муҳожирлардан олти киши мусибатга учради. Ораларида Ҳамза ҳам бор эди. Уларни қиймалаб ташлашди. Шунда ансорлар: «Агар биз ҳам бирор куни уларни мусибатга учратсак, улардан зиёда қиламиз», дедилар.

Макка фатҳи куни Аллоҳ «Иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчилар учун хайрлидир» оятини нозил қилди».

Термизий ривоят қилган.

Биринчи ривоятга қараганда, оят Уҳуд ғазотида нозил бўлган. Иккинчи ривоятга қараганда эса оят Макка фатҳида нозил бўлган.

Бу икки ҳодиса орасида бир неча йил ўтган. Шунга биноан, оятнинг нозил бўлиши такрорланган, дейилади.

сабаб битта, нозил бўлган

оятлар бир нечта бўлиши

Кўпчилик уламоларнинг айтишларича, аввал ўтган ҳолатга тамоман зид ўлароқ, сабаб битта ва нозил бўлган нарса бир нечта бўлиши ҳам мумкин. Бунга ҳеч қандай монелик йўқ. Одамларда қаноат ҳосил қилиш учун, уларни ҳидоятга бошлаш учун керак бўлган нарса ортиқчалик қилмайди. Улар бу гапларига мисоллар ҳам келтирадилар. Аммо баъзи уламолар, жумладан, устоз Фазл Ҳасан Аббос: «Бу ҳолат бўлиши мумкин эмас», дейдилар. Бу гуруҳдаги уламоларнинг гапларига қараганда, аввалгиларнинг мисоллари заиф ва бундай ҳолатнинг бўлиши Қуръони Каримга тўғри келмайди.

«Қуръон илмлари» китобидан